Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
**12 декабрь**
ШАНБА
**№ 99** (12839)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Таассурот

**"Ангрен – Поп" йўналишида қурилаётган электрлаштирилган темир йўл бўйлаб янги тезюрар поездда саёҳатга чиқиш олдидан Тошкент вокзали атрофидаги бунёдкорлик ишларини яна бир бор томоша қилар эканман, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаги ҳолат кўз олдимга келди. Ўшанда Москва вилояти Дубна шаҳарчасидаги Халқаро ядро тадқиқотлари илмий-текшириш институтига жўнаётганимда бу ерда йўловчилар учун яратилган шароитлар ночор, ҳатто, ўтириш учун жой ҳам етарли эмасди.**







## ХАЛҚАРО ТЕМИР ЙЎЛНИНГ МУҲИМ ЎЗАГИ




Бугун атрофга назар ташлаб, мустақиллик йилларида қурилган ҳашаматли биноларни, чаманзорга айлантирилган вокзал майдонини, йўловчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, шундай замонга етиб келганимизга шукроналар айтдим. Поездда ҳамроҳим, Бўка туманидаги "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги раҳбари Саидислом Сайдуллаев билан атрофни кузатиб кетаяпмиз.

– Бу ерларнинг тупроғи унумли, суви сероб, – дея гап бошлади у. – Экинлардан мўл ҳосил олиш мумкин.

– Бу йилги натижалар қандай бўлди?

– Давлатга 286 тонна пахта, 350 тонна ғалла топшириб, шартнома режаларини ортиғи билан бажардик. Хўжалигимизни кўп тармоқли қилиб, чорвачилик ва балиқчиликни ҳам ташкил этдик.

Бу гаплар муҳтарам Президентимизнинг яқинда Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги "Биз ерларимизнинг қадрига етишимиз керак, унумдорлигини оширишимиз зарур. Чунки еримиз – бойлигимиз, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, давлатимизнинг куч-қудрати ҳам", деган сўзларини ёдимга солди.

Ангрен шаҳрига яқинлашар эканмиз, унинг атрофидаги янги иншоотларни, қурилишларни кўриб, Президентимизнинг "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 22 та янги лойиҳа амалга оширилиши учун 245 млн. доллар миқдорида маблағ ажратилгани ёдимга тушди. Чиндан ҳам бугунги кунда вилоятда Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Қарори ва иккита Фармойиши асосида катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари давом этаяпти. Ҳозирга қадар вилоятда уч юздан ортиқ янги лойиҳалар амалга оширилиб, ўн мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. "Ангрен – Поп" йўналишида қурилаётган темир йўл вилоятимизнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти янада ошишига имкон яратади.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини катта эътибор билан тингладик. Маърузада таъкидланганидек, ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни юксак қадрлашимизнинг сабаби, аввало, унинг коммунистик мафкура асосига қурилган эски маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот усулидан, мустабид тузумдан бутунлай воз кечганимизни эълон қилиб, биз учун янги давлат ва жамият қуришнинг энг муҳим принцип ва мақсадларини, вазифа ва нормаларини белгилаб берганидадир.**

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган стандартлари ва нормаларига тўла мос келадиган давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизим ташкил этилган. Юртимизда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суришида мустақилликнинг илк йилларидаёқ ҳар томонлама мукаммал ишлаб чиқилган Конституциямиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб келмоқда.

Республикада олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва дастурларимиз изчил ривожланаётган иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб боришига хизмат қилмоқда. Президентимиз мазкур тантанали йиғилишда таъкидлаганидек, бу йил иқтисодиётимизга қарийб 16 миллиард доллар инвестиция киритилди. Бу асосий фондлар умумий ҳажмининг салкам 23,3 фоизига тенг. Умуман чорак асрлик мустақил тараққиёт даврида иқтисодиётимиз 5,5 баравардан зиёд ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса жон бошига 9 баравар кўпайгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ПОЙДЕВОРИ

**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди. У муқаддима ва ўттизта моддадан иборат бўлиб, инсонларнинг фуқаровий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ўз ичига олган.**

Аввало, мазкур декларация тенг ҳуқуқлилик тамойилига асосланиб яратилган, яъни "Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Ҳар бир инсон ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан қатъи назар, ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва барча эркинликка эга бўлиши зарур ...".

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига халқаро майдоннинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига биноан 1991 йил 30 сентябрда қўшилди. Республика Президенти инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган: биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали тамойилини таъминлаш, иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, учинчидан, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш тамойилини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида суд тизимини демократлаштириш, тўртинчидан, суд ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш, бешинчидан, аҳоли, айниқса ёшлар ва мансабдор шахслар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишдан иборат бешта стратегик йўналишни белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

## НОМЛАРИГА МОС БЎЛСИН

**Вилоят ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқаролар йиғинлари номларини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш чора-тадбирлари ҳақида"ги мажлис баёни ижросини таъминлаш мақсадида семинар бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокимлиги, адлия, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри, архитектура ва қурилиш бошқармалари, Республика маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлимлари, "Нуроний" жамғармаси вакиллари, географик

(Давоми 2-бетда).

Форум

## ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ВАТАН РАВНАҚИ САРИ

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Дахлдорлик ҳисси билан Ватан равнақи сари" шиори остида Ўзбекистон ННТлар IV Миллий форумининг республика босқичи бўлиб ўтди.**



Мамлакатни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ташкилотларининг салоҳиятини бирлаштиришда ЎзННТМА ролини кучайтириш мақсадидаги форум Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Олий Мажлис қошидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда мазкур Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, сиёсий партиялар, ЎзННТМА, ФЖШМҚМИ, қатор вазирлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган форумда жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган соғлом ва баркамол авлодни миллий қадрият ва анъаналар, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ННТлар ролини кучайтириш, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш борасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда ННТлар иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-гуманитар масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг кўнгиллилик ва ҳомийлик фаолиятини янада ривожлантириш каби масалалар муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда).

Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### Қишлоқда янги иш ўринлари

**Зангиота тумани Бўзсув қишлоғи Улуғбек маҳалласида тадбиркор Тўражон Авазов янги новвойхона қуриб ишга туширди.**

Новвойхона ёнидаги сартарошхона хизматидан ҳам аҳоли мамнун. Қувонарлиси шуки, яна 4 маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Шунингдек, қишлоқнинг "Чинор" маҳалласида кичик тикувчилик корхонаси иш бошлади. 5 та тикув машинасида тикилаётган иссиқ курткалар буюртмачиларга вақтида етказиб берилмоқда. Корхона раҳбари Малика Азимова маҳсулот тури ва ишчиларни кўпайтириш ҳаракатида.

**Нозима РАСУЛОВА.**

### Боғча замонавий қиёфада

**Қибрай туманидаги 39-мактабгача таълим муассасаси биноси манзилли давлат дастури асосида капитал таъмирланди.**

140 ўринли муассасани таъмирлаш учун 375 миллион сўм маблағ ажратилди. "Салор эко продукт" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қисқа вақтда боғчанинг иситиш тизимлари, электр, сув таъминоти тармоқларини батамом қайта қуриб, тартибга келтиришди. Бинонинг ички ва ташқи қисмлари замонавий архитектура талаблари асосида таъмирланиб, ҳовлиси ҳам ободонлаштирилди.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

### Ҳам арзон, ҳам сифатли

**Қуйи Чирчиқ туманидаги Янги Ҳаёт қишлоғида маҳаллий хом ашёдан қурилишбоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир корхона иш бошлади.**

– Шлакоблок, брусчатка, профнастил каби қурилиш ашёларига талаб ортмоқда, – дейди хусусий корхона раҳбари Шавкат Раҳмонов. – Шуни эътиборга олиб, янгиликка қўл урдик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз арзон ва сифатлилиги туфайли харидорларга манзур бўлмоқда. Дастлаб кунига 600-700 та маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир 1000-1200 дона ғишт чиқарилмоқда.

Корхона ишни 3 киши билан бошлаган бўлса, бугун 10 нафар маҳаллий ёш доимий иш билан таъминланган. Тадбиркор келгусида ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда.

**Юлдуз ИСАЕВА.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ЎЗИНИ ЎЗИ АЛДАЁТГАНЛАР»

Газетанинг шу йил 31 октябрдаги 87-сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган танқидий мақолада Бўка тумани мактаб ва боғчаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш жараёнида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар тилга олинган эди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Э. Тожиев имзоси билан жавоб хати олди.

Мактубда таъкидланишича, туман прокуратураси 3-мактабгача таълим муассасаси ҳамда 3-, 12-, 54-умумий ўрта таълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ва қишги мавсумга тайёргарлик ишларининг аҳволини мутахассисларни жалб этган ҳолда текширувдан ўтказди. Аниқланишича, туман халқ таълими бўлими биносини 2014 йилда жорий таъмирлаган "Меъмор файз қурилиш" хусусий корхонаси 268,9 минг сўмлик, 3-мактабгача таълим муассасаси биносини жорий таъмирлаган "Одил қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти 2 миллион 405,6 минг сўмлик, 2015 йилда 12-умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлаган "Уста Алиқул йўл транс сервис" масъулияти чекланган жамияти 2 миллион 751,2 минг сўмлик амалда бажарилмаган қурилиш-монтаж ишларини қўшиб ёзган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддаси 1-қисми билан корхона раҳбарларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қарор жиноят ишлари бўйича туман судига юборилди.

Бундан ташқари, текширув давомида аниқланишича, 3-умумий ўрта таълим мактаби биносига газ тармоғи ўтказиш ва ҳожатхонани таъмирлаш ишларига қиймати 16 миллион 881,7 минг сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, шу йил октябрь ойида туман молия бўлими ушбу объект учун 16 миллион сўм маблағ ажратган. Бироқ, бу маблағ ўз вақтида ўзлаштирилмагани сабабли молия бўлими уни маҳаллий бюджетга қайтарган.

2015 йилга мўлжалланган манзилли дастурга асосан 54-умумий ўрта таълим мактабида ёпиқ спорт майдончаси қуриш учун вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси билан бош пудратчи "Қурилиш илҳоми" масъулияти чекланган жамият ўртасида 559 миллион 375,2 минг сўмлик шартнома тузилган. Ўрганиш кунигача 71 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлиб, ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси 300 миллион 61,4 минг сўм ёки 52 фоиз пул ўтказиб берган.

Шунингдек, текширувга жалб қилинган туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази юқоридаги таълим муассасаларида санитарияга оид қонун ҳужжатлари ҳамда санитария нормалари бузилишига йўл қўйилганини аниқлаб, 3-, 12– ва 54-умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 53-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Текшириш натижасида аниқланган қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида туман прокурори туман халқ таълими бўлими бошлиғи номига тақдимнома киритди.

Таассурот

# ХАЛҚАРО ТЕМИР ЙЎЛНИНГ МУҲИМ ЎЗАГИ





Тоғ бағрини ёриб барпо этилаётган тоннель олдига яқинлашар эканмиз, тиббиёт фанлари доктори, вилоят силга қарши кураш диспансери бош шифокори Абдувоҳид Содиқов:

– Бу ерларнинг табиатини қаранг, бир томонда мовий кўл, бир томонда арчаларга бурканган тоғ, – дея суҳбатга қўшилди. – Ҳали бу тоғ ёнбағрида кўплаб врачлик пунктлари, дам олиш масканлари, оромгоҳлар қурилади. Бу ерда ўпканг тўлиб, тоза ҳаводан нафас оласан, беморлик нима эканини билмайсан.

Тоғ орасидан ўтказилаётган 19 километрли тоннелни томоша қилар эканмиз, дилимиздан: "Ким эдигу ким бўлдик?" деган фикр ўтди. Ахир, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ўзимизнинг ғалламиз, ўзимизнинг нонимиз бўлишини орзу қилган, иттифоққа хом ашё етказиб берадиган, саноат ишлаб чиқариши саккиз фоиздан кам бўлган аграр мамлакатдан бугун, ғалла мустақиллигига эришган, чет элга ғалла экспорт қилаётган, саноати ишлаб чиқаришнинг тўртдан бирига тенг, ҳар қандай мураккаб лойиҳаларни ҳам уддасидан чиқа оладиган, кўп соҳаларда ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олаётган қудратли юртга айландик. "Ангрен – Поп" йўналишида қурилаётган темир йўл фикримизга далил. Бу йўл нафақат водий билан Тошкент воҳасини, балки Хитой билан Марказий Осиёни ва келажакда Европани бирлаштирувчи халқаро темир йўлнинг муҳим ўзаги ҳисобланади.

Тошкент вокзалига қайтиб келиб, хайрлашар чоғимизда дуога қўл очиб, ният қилдик: "Осмони мусаффо, юрти тинч, халқининг турмуши фаровон бўлиб бораётган, кексалари қадр топган, ёшлари бахтли-саодатли, дунёда бетакрор ва ягона она Ватанимизга ҳеч қачон кўз тегмасин! Ҳурлик, мустақиллик берган улуғ неъматлар доимий ҳамроҳимиз бўлсин!"

**Солиддин САЛОҲИДДИНОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Паркент тумани.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муносабат

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни, миллатлараро тотувликни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хорижий мамлакатларда ҳам юксак баҳоланаяпти. Бу эса ўз-ўзидан Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора ошиб боришига хизмат қилмоқда. Буни чет давлатлар раҳбарларининг юртимизга ташрифлари муваффақиятли ўтаётганида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, Ҳиндистон, Япония, Покистон бош вазирлари, Америка Қўшма Штатлари давлат котиби юртимизга ташрифлари чоғида иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон эришаётган натижаларга юқори баҳо бердилар. Халқаро молия институтлари республикамиз билан кенг ҳамкорлик қилиб, янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштирмоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Инвестицион форум бунга мисолдир. Ушбу анжуманга 300 дан ортиқ чет эл фирма ва компаниялари раҳбарлари келиб, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш ҳақида 12,4 миллиард АҚШ долларилик шартнома ва келишувларни имзоладилар. Бу эса, албатта, халқаро ҳамжамият мамлакатимиз тараққиётига, барқарорликка, тинчлик-тотувликка ҳамда улар киритган сармояларнинг келгусида ўз маҳсулини беришига ишонаётганидан далолатдир.

Умуман айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ишлар қамрови кенг ва энг муҳими, уларнинг барчаси иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фаровонлигини юксалтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир.

**Элдор ТЎЛАКОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ПОЙДЕВОРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили лавозими 1995 йил 23 февралда Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ биринчи сессиясида мамлакат Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан таъсис этилди. Унинг олдида республикамизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, жаҳон тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш ҳамда халқаро ташкилотларда иштирок этиш вазифалари турар эди. 1997 йил 24 апрелда МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. 2004 йилнинг 27 августида парламентнинг 15-сессиясида республикада ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари, олий қонунчилик органида юз берган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унга асосан Вакилга давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. У фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклашга, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштиришга, фуқароларнинг инсон ҳуқуқларига оид ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда фаолият кўрсатади.

Тошкент вилоятида Омбудсманнинг минтақавий вакиллиги 2000 йилнинг апрель ойида ташкил этилди ва вакиллик қошида жамоатчилик асосида ишлайдиган эксперт гуруҳи тузилди. Омбудсманнинг минтақавий вакили аҳолини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар, Омбудсман ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик билан бевосита таништириш учун мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида учрашувлар ўтказади, фуқаролар ва мансабдор шахслар, давлат ва ижтимоий тузилмаларнинг вакиллари билан маҳалла, корхона ва муассасаларда суҳбат ва учрашувлар ҳамда семинарлар ташкил этади, оммавий ахборот воситалари орқали фаолиятини ёритиб боради.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: "Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи вакиллик – Омбудсманнинг ташкил этилиши олий қонунчилик мақомига мос келади. Муҳими, у жамиятимизда инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳал этишни янги даражага кўтаришга хизмат қилади".

**Лазиза ҒАФУРОВА,**
**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят минтақавий вакили.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бунёдкорлик



# ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

**Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузурида "Бир дарча" маркази иш бошлади. Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан ташкил этилган ушбу марказ тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг фаолият юритишларида зарур бўлган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш билан шуғулланади.**

– Марказни очишдан асосий мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, улар фаолиятида учраётган тўсиқларни бартараф этишга қаратилган, – дейди марказ раҳбари Акбар Дадабоев. – Энди тадбиркорларимиз илгаригидек газ, сув, электр энергиясидан фойдаланишда ҳар бир идорага кириб юрмайди. Шунингдек, уларнинг бошқа муаммолари ҳам шу марказда ҳал қилинади.

Аҳамиятли томони шундаки, марказ очилгандан бошлаб туманда 1200 якка тадбиркор, 448 юридик мақомга эга тадбиркор рўйхатдан ўтказилди.

Эндиликда марказ тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига тайёр ҳолда улаш, алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини бериш, юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш каби 16 турдаги давлат хизматларини кўрсатади.

**Бектош ИСМОИЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

# СЎҚОҚДА ЯНА БИР ТЎЙХОНА

**Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи аҳолиси учун 2015 йил қувончларга бой бўлди. Ҳудудда учта озиқ-овқат дўкони ва битта гўзаллик салони қуриб ишга туширилди.**

– Яқинда "Чашма" маҳалласига 5 километр узунликдаги қувур тортилиб, 70 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳусниддин Ҳакимов. – Бундан ташқари, маҳалланинг 13 километри ва Улуғбек маҳалласининг бир километрига шағал ёткизилди.

Яна бир янгилик. Куни кеча қишлоқнинг "Чиноз" маҳалласида ака-ука Шаҳобиддин ва Зайниддин Эгамбердиевлар "Бунёд" тўйхонасини қуриб биткизиб, элга, ош беришди. 500 ўринли тўйхона қишлоқ аҳлига ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди, 140 ўринли дам олиш маскани эса ёзу қиш аҳолига хизмат қилади. Муҳими, 20 та янги иш ўрни яратилди.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Форум

# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ВАТАН РАВНАҚИ САРИ

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг институционал асослари шаклланиши ва ривожланишига, ННТларга ҳар томонлама кўмаклашишга йўналтирилган инфратузилмаларни яратишга, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишда жамоат ташкилотларининг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, 2005 йил юздан ортиқ ННТлар ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бугунга келиб 500 дан ортиқ жамоат ташкилотлари салоҳиятини ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда бирлаштирмоқда.

Жорий йил ўтказилган 6 та танловларда 277 та нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан молиялаштирилиб, давлат гранти соҳибига айланди. 1500 дан зиёд ННТ вакиллари эса "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказишда иштирок этди.

Форум якунида ЎзННТМАнинг фаол ҳамкорлари, грант соҳиблари, шунингдек, "Кексалар ва ногиронларни ижтимоий, маънавий ҳамда моддий қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритган энг яхши таҳририят ва журналист" танлови ғолиблари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Қувонарлиси, танловда иштирок этган жамоамиз – "Тошкент ҳақиқати" газетаси ҳам ғолиблар сафидан ўрин олиб, танлов дипломи ва совринига сазовор бўлди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар

# НОМЛАРИГА МОС БЎЛСИН

объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия аъзолари иштирок этган мулоқотда Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ мамлакатимизда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларини номлаш тартиби белгилаб қўйилганлиги, шунингдек, ушбу қонун ҳужжатларида маҳаллаларга бериладиган номлар ҳудуднинг энг характерли белгиларини акс эттириши, жойнинг мавжуд тизимига мос бўлиши, янги номланадиган жойлар халқимизнинг тарихи, анъаналари ва маданияти билан уйғун бўлиши белгилаб қўйилгани таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЪЛОН

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453 "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларни ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, фермер хўжаликлари томонидан тақдим этиладиган 1-FX shakli (Фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисида), шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан 1-DX шакли (Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари фаолияти тўғрисида) давлат статистика ҳисоботи 2015 йилдан бошлаб йилда икки маротаба, яъни 1 июль ва 1 январь ҳолатига тақдим этилиши белгилаб ўтилган.

Шундан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари томонидан давлат статистика тизимидаги 1-FX shakli шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан 1-DX shakli ҳисоботларини 2016 йил 1 январь ҳолатига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 3-санасидан, яъни 2016 йилнинг 3 январь кунидан кечиктирмасдан тақдим этилиши тўғрисида огоҳлантириб ўтамиз.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

1-FX shakli ва 1-DX shakli ҳисобот шаклларини интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан олишингиз мумкин.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

Фермер хўжаликлари томонидан тақдим этиладиган 1-FX shakli чораклик 2016 йилнинг 3 январидан кечиктирмай тақдим этиладиган Давлат статистика ҳисоботларида 2015 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 октябдаги 01-03-13-12-сонли йиғилиш баёнига асосан "Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида уларнинг ер участка хажмларини мақбуллаштириш юзасидан" ўтказилган фермер хўжаликларининг ер участка ҳажмларини мақбуллаштириш (оптимизация)гача бўлган ҳолатдаги кўрсаткичлар, яъни экилган экин майдонлари йиғилган майдонлардан йиғиб олинган жами ҳосил меҳнатга хақ тўланадиган ўртача ходимлар сони ва ҳоказо кўрсаткичлари акс эттирилиши лозим.

**Вилоят статистика бошқармаси.**

Огоҳлик

**Тинчлик – бебаҳо неъмат. Бироқ, бу неъматнинг қадрига етиш учун нима қилиш керак. Албатта, ўзини шу юрт фарзандиман деб ҳисоблаган ҳар бир инсон ёши, мавқеи, дини, миллатидан қатъи назар огоҳ ва ҳушёр бўлишини давр талаб қилмоқда.**

# БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

Бугун юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан, бунёдкорлик ва ўзгаришлардан киши кўнгли тоғдек кўтарилади. Айниқса, ёшларимизга яратиб берилаётган имкониятлар биз кекса авлод вакилларини ҳавасини келтирмоқда. Бироқ, "Гуруч курмаксиз бўлмайди", деганларидек, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етмаган, ҳали дунёқараши шаклланиб улгурмаган, маънавияти бўш ёшларни ўз ортидан эргаштиришга уринаётган кимсалар ҳам баъзан учраб турибди. Вайронкор ғоялари билан иродаси мўрт ёшларни чалғитаётган бу одамлар кўча-кўйда ўзининг бебурд гаплари билан тинч аҳоли ўртасида хавф туғдирмоқда. Гоҳида "фалон жойда варақалар тарқатиб кетишган эмиш", деган миш-мишлар ҳам қулоққа чалинаяпти. Бундай уйдирма ва бўҳтонларга қарши курашиш учун барчамиз ҳушёр ва огоҳ туришимиз зарур.

Огоҳлик остонадан бошланади. Дастлаб ўзимиз истиқомат қилаётган уйнинг, маҳалланинг тинчлигини сақлашда сергак туришимиз, бу юмуш маҳалла профилактика инспекторининг вазифаси деб қарамасдан, шубҳали кўринган бирон бир шахс ёки буюм ҳақида билсак, тезда тегишли жойга хабар беришимиз керак. Қўшнимизникига ким келиб кетаётганига бепарво бўлиб, бундай нарсаларга лоқайдлик билан қарасак, ёвуз ниятли кучлар ўзларининг қабиҳ режаларини амалга ошириши мумкин.

Агар ҳар биримиз шу юрт меники, унинг равнақи йўлида бор кучу имкониятим ва билимимни сарфлайман деган масъулиятни зиммамизга олсак, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Ҳасан ҒУЛОМОВ,**
**Паркент туманидаги "Бойқозон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

# МИШ-МИШЛАРГА ИШОНМАНГ

**Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда мисли кўрилмаган қурилиш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу жараён шаҳар марказларидан тортиб энг чекка қишлоқларда ҳам жадал давом этмоқда. Бунга ҳар биримиз турмушимизда, маҳалламизда, йўлимизда, қолаверса, оммавий ахборот воситалари орқали гувоҳ бўлиб турибмиз.**

Мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарор тинчлик ва осойишталик туфайли 550 хонадонда икки ярим мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилувчи маҳалламизда ҳам улкан ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айниқса, сўнгги пайтлардаги замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг барпо этилиши, аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг тубдан яхшиланишига замин яратган миллий ва замонавий архитектуранинг уйғунлиги асосида бунёд этилган савдо расталари, гўзаллик салонлари ва тўйхоналар, фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод бўлиб улғайиши учун барча қулайликларга эга қишлоқ врачлик пунктлари, спорт майдончалари ва иншоотларининг қурилиши каби қатор ўзгаришлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ деб ўйлайман. Ўзбек, қозоқ, рус ва корейс каби ўндан ортиқ миллат вакиллари ҳамжиҳатликда, аҳил ва тотув яшаётган маҳалламизда шу йилнинг ўзида мебель ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган иккита корхона ҳамда икки қаватли замонавий савдо дўкони ва тўйхона фойдаланишга топширилди. Пировардида, аҳолига қатор қулайликлар яратилиши баробарида, маҳалламизнинг 30 дан зиёд ёшлари доимий иш билан таъминланди. Буларнинг барчаси бугунги фаровон турмушимизнинг асоси бўлган тинчлик, хотиржамлик ва албатта, давлатимизнинг одилона сиёсати натижасидир.

Хабарингиз бор, бугун дунёнинг турли минтақаларида қонли тўқнашувлар, хунрезликлар, сиёсий бўҳронлар давом этмоқда ва бунинг натижасида минглаб, ҳатто миллионлаб бегуноҳлар азият чекишаяпти. Ёшгина умрлар хазон бўлмоқда. Шукрки, Ватанимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Ҳар қадамда, ҳар соҳада бунёдкорлик авжида. Афсуски, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига кўз тикиб, ушбу улуғ неъматларнинг пойига болта уриш учун пайт пойлаганлар ҳам талайгина. Хусусан, сўнгги пайтларда дунёни қалқитаётган ғаламислар халқимиз орасида "фалон жойда портлаш бўлибди", "фалон жойдан террористлар кириб келганмиш", "яна фалон жойда тўполонмиш" каби уйдирмаларни тарқатиш орқали бирдамлигимизни бузишга, орамизда хавотирни оширишга уринишмоқда. Тарқоқлик, ишончсизлик, миш-мишлар урчиган жойда мақсадга эришиш осон бўлишини яхши билган манфурлар юқоридаги каби бўҳтонларни янада кенг ёйилишига имкон қидирмоқда.

Тўғри, давлатимизнинг қудрати чексиз. Ҳукуматимиз чегараларимиз дахлсизлиги ва тинчлигимиз барқарорлигини ҳар жиҳатдан таъминлай олади. Аммо, ҳар биримиз шу азиз Ватаннинг фарзанди, фуқароси сифатида тинчликни асрашга имкон қадар ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз, ён-атрофимизда бўлаётган воқеликлардан, бўлар-бўлмас миш-мишлардан огоҳ бўлмоғимиз лозим. Зеро, Ватанимиз, хонадонларимиз, фарзандларимиз тинчлигини асраш ўз қўлимизда.

**Фарида ҲАЙИТМАТОВА,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалла маслаҳатчиси.**

# УЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРИМИЗДА

**Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, 2015 йилда халқимизнинг меҳр-мурувват кўрсатишдек эзгу фазилатлари янада яққол намоён бўлди.**

Вилоят ҳокимлиги ва "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди ҳамкорлигида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Miran Tashkent" меҳмонхонасида уюштирилган хайрия тадбирига нуроний кексалар, эътиборга муҳтож ногиронлар таклиф этилди. Бу каби хайрия тадбирларини мунтазам ўтказиб келаётган "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди иштирокчиларнинг 10 нафарига ногиронлик аравачалари, кийим-кечак ва турли эсдалик совғалари топширди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



# «НУРОНИЙ» ФАХРИЙЛАР ҲУЗУРИДА

**2015 йил озод ва обод юртимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, давлатимиз равнақи ва халқ фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшган фахрийларимиз ҳар жиҳатдан қадрланган, эъзозланган йил сифатида тарихга айланмоқда. Бироқ, миллатимизга хос бундай меҳр-оқибатлилик, саховатпешалик халқимизнинг энг яхши анъаналаридан бири бўлиб, абадий бардавомдир.**



Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими 2015 йилда юртимиз фахрийлари бўлмиш нуроний отахон-онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, иззат-ҳурмат кўрсатиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, уруш ва меҳнат фронти фаолларига ўзгача меҳр-оқибат кўрсатилди.

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги байрами муносабати билан вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кексаларни эъзозлаш тадбирларини ташкил этдик, – дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ижроия директори Мирғиёс Мирзаҳмедов. – Умуман йил давомида асосий эътибор ҳар байрам кунлари кексаларнинг хонадонларига ташриф буюриб, ҳолларидан хабар олиш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, тиббий дори-дармонлар билан таъминлаш, уйларини таъмирлаб беришга қаратилди.

Конституция байрами билан боғлиқ тадбирлардан бири Зангиота туманида ўтказилди. "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят маънавият тарғибот маркази раҳбарлари вилоятда турли соҳаларда раҳбарлик лавозимларида ишлаб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга салмоқли ҳисса қўшган фахрийлар – 89 ёшли Тожинисо момо Ҳошимова ҳамда Мадумар бобо Мирзаумаров, 91 ёшли Салтанат момо Фотимова хонадонларида бўлишиб, совғалар топширишди.

**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Тошкент шаҳри ва вилоятидаги имконияти чекланган фуқаролар учун хайрия тадбири ўтказди. Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вакиллари иштирок этди.

# ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

– Хайрия тадбири доирасида вилоятимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган имконияти чекланган ўн кишига махсус ногиронлик аравачалари ва эҳтиёт қисмлари, юриш мосламалари ҳамда қўлтиқтаёқлар топширилди, – деди фонднинг вилоят минтақавий филиали директори Муҳаббат Йўлдошева. – Аравача ва мосламалар Германиянинг халқаро "Tovarishch – Helf for Children", қўлтиқтаёқлар эса Корея Республикасининг "Siloam Center for the Blind" ташкилотидан юборилган.

Мазкур фонд хайрия йўналишида фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Унинг асосий ҳамкори бўлган "AmeriCares" халқаро ташкилоти бу йилда 550 та ногиронлар аравачаси юборди. 2015 йилда фонд халқаро ташкилотларнинг 25 та мурувват юкларини қабул қилган бўлса, шундан 17 таси АҚШнинг "AmeriCares" ташкилотидан жўнатилган. Мурувват юклари ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ҳамда имконияти чекланган фуқароларга топширилмоқда.

**Нозима АРСЛОНОВА.**

# САМИМИЙ ТИЛАКЛАР

**Қибрай тумани "Дўрмон" маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Туман ҳокимлиги вакиллари, корхона, ташкилот, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, сиёсий партиялар раҳбарлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва иқтидорли ёшлар иштирок этган байрам тадбирида Конституциямиз эркин ва фаровон турмуш кечириш кафолати экани алоҳида таъкидланди.

– Камтарона хизматларимни юксак баҳолаб, билдирилган ишонч учун халқимга, устозларимга таъзим қиламан, – деди "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси" кўкрак нишони соҳибаси, Қибрай энергетика касб-ҳунар коллежи директори Муқаддас Солихўжаева. – Бу мукофот нафақат менга, балки коллежимиз жамоасига, устоз-мураббийларимизга кўрсатилган рағбат ва улкан масъулият деб биламан.

Мукофотланганларнинг чексиз қувончи, самимий тилаклар тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади. Элимиз ардоғидаги санъаткорлар, туман маданият уйи хушовоз хонандалари ижросидаги байрам концерти барчага манзур бўлди.

**Исмоил ТОШЕВ.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**



# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

**Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан ташкиллаштирилаётган маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.**

Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ўтказаётган "Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати" мавзуидаги тадбирларда маҳаллий ҳокимият вакиллари, адабиётшунос ва тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, хонанда ва созандалар, кино ва театр актёрлари иштирок этишмоқда. Шу кунгача Ангрен, Оҳангарон, Паркент, Чиноз, Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ каби шаҳар ва туманларда уюштирилган тадбирларда 800 дан зиёд аҳоли иштирок этди. Тарғибот гуруҳининг чиқишлари барчага манзур бўлмоқда.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси "Фаол аёллар қаноти" ташаббуси билан Қибрай туманида "Оқила аёл – 2015" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

# ОҚИЛА АЁЛ – 2015

Туман ва шаҳар босқичларида сараланган 18 аёл танлов шартлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этишди. Иштирокчиларнинг Ватанга чексиз муҳаббат ҳақидаги чиқишлари барчага манзур бўлди.

Якуний натижаларга кўра, ангренлик Муқаддас Бекмуродова 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Танлов якунида барча иштирокчиларга партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

# ДАВОСИ – ПАРҲЕЗ

**Қандли диабет даволаниши қийин кечадиган касаллик сифатида дунё аҳлини ташвишга солаётгани бор гап. Ҳар йили 14 ноябрни "Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни" сифатида нишонланиши ҳам бежиз эмас.**

Кўп йиллар давомида қандли диабетнинг давоси йўқ ҳисобланиб, инсулин моддаси кашф қилингачгина миллионлаб беморлар ҳаётини асраб қолиш имкони яратилди. Лекин, бунга алоҳида парҳез, зарур дори-дармонларни мунтазам қўллаш орқали эришилади.

Республикада "Соғлом авлод учун" фонди ўтказадиган "Қандли диабет" ойлиги муҳим аҳамиятга эга. Вилоят "Соғлом авлод учун" фонди ушбу ойликда фаол иштирок этиб, қатор хайрия акцияларини ўтказмоқда. Навбатдагиси вилоят эндокринология диспансерида ташкил этилиб, ҳисобда турган болалар ва ўсмирларнинг 80 нафарига инсулин шприци ва керакли дорилар, ёзги оёқ кийимлар, санитария-гигиена воситалари топширилди.

**Саида РАҲМОНОВА.**

**Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ республикамизда, хусусан, Тошкент метрополитенида ҳам "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" давом этмоқда.**

# ҲАММА ФАОЛ ҚАТНАШАЯПТИ

Раҳбарият ҳамда метрополитен Давлат ёнғин назорати инспекторлари ҳамкорликда бир қанча амалий ишларни бажаришди. Хусусан, метрополитеннинг барча маъмурий бино ва бекатларида ойлик ўтказилаётгани ҳақида плакат, эслатма, банерлар осиб қўйилди. Ишчи-хизматчилар ўртасида ёнғинга қарши ўқув машғулотлари, учрашув ва савол-жавоблар ўтказилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари ёқиб қўйилган электр иситиш асбоблари, дазмол ва плиталарни қаровсиз қолдирмаслик, қўлбола электр ускуналарини ишлатмаслик, бензин, бўёқ, керосин каби моддаларни темир идишларда ва алоҳида жойларда сақлаш, кислород баллонлари, гарбит, тахта материалларни метрополитен бекатларида сақлаш мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш бериб боришмоқда.

**Жонибек КАЛЕНОВ, метрополитенни қўриқлаш бўйича ИИБ ЁХБ катта инспектори.**

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРАЛАРИ

**Республика Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилдаги манзилли Дастури тўғрисида"ги Қарорига асосан бу йил вилоятда Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш республика жамғармаси ва давлат корхоналарига қарашли 92 та объект қурилади, реконструкция қилинади ва капитал таъмирланади.**

Янги қурилаётган ва қайта таъмирланаётган объектларда ишлаётган, вақтинчалик дам олиш вагонларида яшаётган қурувчилар ҳаёти хавф остида қолмаслиги ва ёнғиндан катта моддий зарар кўрмаслик учун қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ва ишчи-хизматчилари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Вазиятни ўрганишлар жараёнида асосий эътибор объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларидаги ёнғинга қарши кураш чора-тадбирларининг тўлиқ бажарилиши, биноларда ўт ўчириш машиналари йўлини тўсиб қўймаслик, очиқ олов ёқмаслик, қурувчилар дам оладиган вагонларда қўлбола электр иситгич ва қайнатгичлардан фойдаланмаслик, қурилиш майдончалари ва вагонларнинг бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланиши, яъни янги қурилаётган ва қайта таъмирланаётган биноларга ўт ўчириш машиналари кирадиган йўллар барпо этиш, ёнғинга қарши сув идишлари ва уларни доимий сув билан таъминлаш мақсадида сув манбалари ташкил этилгани, ташқи ёнғин ўчириш ер ости гидрантлари, ички ёнғин ўчириш жўмраклари ва улардаги сув босимини кўтариш учун ёнғинга қарши насосларнинг кўзда тутилгани, бино хоналарига ёнғин ҳақида хабар бериш мосламалари ва одамларни огоҳлантириш тизимларининг борлиги каби масалаларга қаратилди.

**Мансур МИРЗАХЎЖАЕВ, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.**

## ЭЪЛОНЛАР

### "NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига:

I. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: 01.10.2014 йилдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ. 8/153-сонли уй манзилида жойлашган: умумий майдони 79,43 кв.м. бўлган "дала ҳовли" аукцион савдоларига такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 49 229 568 сўм.

II. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан:

2012 йил 5 мартдаги ЖСҚ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғи, Д.Тусметов кўчаси манзилида жойлашган: тураржойнинг умумий майдони 792,0 к.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м. бўлган "дала ҳовли" аукцион савдоларига такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 653 690 000 сўм.

III. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти Хўжалик ишлари бўйича судининг 05.06.2015 йилдаги 11-1535/5092-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 68-уй манзили бўйича жойлашган, умумий майдони 178,09 кв.м. Литер-0001 кафе биноси 103,69 кв.м., Литер-0002 дўкон биноси 34,08 кв.м., Литер-0003 ошхона биноси 40,32 кв.м. бўлган "дўкон ва кафе биноси" савдога такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 216 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 28 декабрь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

### "NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти Зангиота туман СИБ томонидан аукцион савдоларига: 2015 йил 18 июндаги 10-1503/5367-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳар, К.Ғафуров кўчаси манзилида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 808,15 кв.м. бўлган "гузар биноси" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 000 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

### "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдоларига фермер хўжаликларини ташкил этиш ва туман ҳокимлиги билан ер майдонига бўлган ҳуқуқ бўйича ижара шартномаси тузиш шарти билан туман захира ерлари ҳисобига олинган қуйидаги "узумзор" ва "боғзор"лар қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани, "Чоштепа" ҚФЙ, "Турғунбой Соҳибкор" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "SUNBULA-AGRO" фермер хўжалигидан захирага олинган, жами 15,95 гектар ер майдонидан 13к, 14, 21к, 22 ва 26-контурларда жойлашган, жами 7,61 гектар, шундан 2,09 гектар ер майдонидаги "боғзор" ва 4,89 гектар ер майдонидаги "узумзор", бошланғич баҳоси 11 586 000 сўм.

2. Зангиота тумани, "Масалбой" ҚФЙ, "F.Умаров мурувват файз" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "HASANOV MAXMUD AHMADXO'JA" фермер хўжалигидан захирага олинган, жами 9,30 гектар, шундан 6,93 гектар ер майдонида жойлашган "узумзор", бошланғич баҳоси 6 490 000 сўм.

3.Зангиота тумани, "Ҳасанбой" ҚФЙ, "Н.Обидов" агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган "TO'RAJON TABARRUK" фермер хўжалигидан захирага олинган, жами 20,00 гектар ер майдонидан 141, 142, 151к ва 153к-контурларда жойлашган, жами 10,00 гектар, шундан 7,70 гектар ер майдонидаги "боғзор", бошланғич баҳоси 60 713 000 сўм.

4. Зангиота тумани, "Туркистон" ҚФЙ, "Иттифоқ" массиви ҳудудида фаолият юритаётган "ITTIFOQ-YO'DOSHEV ERGASH" фермер хўжалигидан туман захира ерлари ҳисобига олинган, жами 21,15 гектар ер майдонидан 658, 661, 665, 672, 659-контурларда жойлашган, жами 9,31 гектар, шундан 8,51 гектар ер майдонидаги "боғзор", бошланғич баҳоси 4 874 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2016 йил 11 январь куни соат 11.00 да Зангиота тумани ҳокимияти биносида бўлиб ўтади. Ушбу кунда сотилмай қолган "узумзор" ва "боғзор"ларнинг такрорий савдоси 2016 йилнинг 27 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"-ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО 01101, СТИР 301743808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

RR – № 0008.

### "REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: I. Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан: 22.09.2014 йилдаги 10-1420/12855-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Толариқ кўчаси, автотаъмирлаш устахонасида сақланаётган: 2009 йилда и/ч., дав/рақ: 01/583RAA, бошланғич баҳоси – 75 000 000 сўм бўлган "DONG FENG" русумли техник носоз автотранспорт воситаси такроран савдога қўйилмоқда. II. Тошкент вилояти, Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Зангиота тумани судининг: 2013 йил 28 августдаги 1-4882/13-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Чиноз тумани "Чиноз Матлубот Инвест" МЧЖда сақланаётган: бошланғич баҳоси – 324 709 сўм бўлган "ГПТС-4-793" русумли тиркама такроран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар СИБ томонидан: 05.01.2012 йилдаги 83/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, "29-сонли автобаза"да сақланаётган: 1. 1989 йилда и/ч., дав/рақ: 11L4120, бошланғич баҳоси – 31 962 030 сўм бўлган "Камаз" русумли; 2. 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10T843BA, бошланғич баҳоси – 29 278 937,52 сўм бўлган "Камаз русумли техник носоз автотранспорт воситаси" савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 январь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

### "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига I) Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноий ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 5.12.2011 йилдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан; 1) Бошланғич нархи – 355 817 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,20 кв.м.дан иборат "тураржой"; 2) Бошланғич нархи – 1 900 129 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61-, 63-уйда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м.дан иборат икки қаватли "тураржой"; 3) Бошланғич нархи – 315 873 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, 1-тор Мирҳосилбой кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м.дан иборат "тураржой"; 4) Бошланғич нархи – 353 568 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,10 кв.м.дан иборат "тураржой"; 5) Бошланғич нархи – 362 031 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 227,04 кв.м., 501 кв.м. ер майдонидаги 5 та хонадан иборат "тураржой"лар қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 30 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 09.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

---

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 08.05.2015 йилда № 007205-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MILANA AND ARINA" (ИНН 303330703) МЧЖ тугатилади (таъсисчининг 02.12.2015 йилдаги қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 23-мавзе, 24-уй, 64-хонадонда қабул қилинади. Телефон: (+99890) 997-27-95.

---

Устепа тумани ТСРЎИ томонидан 22.04.2011 йилда № 004443-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MAQSUD-FIRDAVS" (ИНН 301965641) МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома ҳамда устав йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

---

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MIRTALIPOV AKMAL" (ИНН 301780042) ХК ҳамда Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "KUCHAROV AZIZ" (ИНН 300923630) ХК Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "RESTO FOOD" (ИНН 303493342) МЧЖ таркибига бирлашишини маълум қилади ҳамда "RESTO FOOD" МЧЖ "MIRTALIPOV AKMAL" ХК ва "KUCHAROV AZIZ" ХКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Телефон: (+99898) 367-41-37.

---

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 21.11.2006 йилда № 002697-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AGROSHINSNAB" (ИНН 206816500) МЧЖнинг устав жамғармаси 110 115 672 (бир юз ўн миллион бир юз ўн беш минг олти юз етмиш икки) сўмдан 49 552 052 (қирқ тўққиз миллион беш юз эллик икки минг эллик икки) сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99890) 327-54-10.

---

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 18.05.2012 йилда № 002524-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "IRODA QOZIM BARAKA" МЧЖ тугатилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелдаги ПҚ-630-сонли Қарорига асосан).

---

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 27.11.2015 йилда № 008950-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KINDER STAR TEXTILE" (ИНН 303504588) МЧЖ тугатилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелдаги ПҚ-630-сон Қарорига асосан).

Футбол

# ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

**2016 йилги Осиё чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини тўртта жамоамиз ҳимоя қилади. Нуфузли мусобақада Тошкентнинг "Пахтакор", "Локомотив" ва Қаршининг "Насаф" клублари баҳсларни гуруҳ босқичидан бошласа, "Бунёдкор" жамоаси плей-офф босқичида ўз имкониятини синовдан ўтказади.**



Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё чемпионлар лигасига қуръа ташланди. Унга кўра, мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони – "Пахтакор" жамоаси "С" гуруҳида Саудия Арабистонининг "Ал Ҳилол", Эроннинг "Тракторсози" жамоалари билан куч синашса, "Локомотив" "Фулад" (Эрон), "Ал Наср" (Бирлашган Араб Амирликлари) клублари билан "А" гуруҳидан жой олди.

Мамлакат чемпионатининг бронза медали соҳиби Қаршининг "Насаф" жамоаси "D" гуруҳида Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал Айн" ва Саудия Арабистонининг "Ал Аҳли" жамоалари билан майдонга тушади. Ҳар уч гуруҳдаги тўртинчи жамоа номи плей-офф баҳсларидан сўнг маълум бўлади.

"Бунёдкор" жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳсларида қатнашиш учун плей-офф босқичида Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал Шабаб" клуби билан куч синашади. Мазкур баҳсда ғалаба қозонган жамоа "Ал-Наср" (Саудия Арабистони), "Зобахан" (Эрон) ва "Лаҳвия" (Қатар) клублари билан "В" гуруҳидан жой олади.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## XXI аср ва дунё

### ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШЛАРИНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ

**Венесуэла президенти Николас Мадуро ўзининг ўтмишдоши Уго Чавес асос солган социалистлар партияси парламент сайловларида мағлубиятга учраганидан сўнг вазирларга мурожаат этиб, ўз лавозимларини тарк этишларини илтимос қилгани ҳақида хабар тарқатди ТАСС.**

Мамлакат раҳбари ҳарбий қўмондонлик кузатувида Чавес мавзолейини зиёрат қилган пайтида сиёсий рақибларини адоват уруғини сочиш ва синфий душманликни келтириб чиқаришга уринишда айблади. Парламент сайловларининг якуний натижаларига кўра, демократик бирлик мухолифат блоки жами 167 ўриндан 109 тасини қўлга киритди. Ҳукмдор бирлашган социалистик партияга эса 55 та ўрин тегди.

Мухолифатчиларнинг ушбу сайловларда ғолиб чиққанлари бежиз эмас. Айни пайтда мамлакат иқтисодий муаммоларга дуч келмоқда. Маълумки, жаҳон бозорида нефтнинг нархи пасайиб кетди. Венесуэлада эса нефть асосий валюта тушуми манбаи ҳисобланади. Унинг нархи пасайгани сабабли мамлакатда инфляция кучайиб, истеъмол товарлари танқислиги сезилмоқда.

### ҲАВОДАГИ ЧАНГ-ҒУБОР ҚУРБОНЛАРИ

**Хитойда ҳавонинг ҳаддан зиёд ифлосланиши оқибатида йилига 1,4 миллион кишининг бевақт ҳаётдан кўз юмаётгани таъкидланмоқда.**

Ҳақиқатан ҳам Пекинда ҳавонинг ифлослангани муносабати билан хавфли ҳолат эълон қилинди. Бир неча кун давомида Хитой шимолидаги 530 минг квадрат километрли ҳудуд зарарли буғланиш оқибатида хиралашган. Шундан сўнг ифлос ҳаво хавфи эълон қилинди. Чиндан ҳам атроф-муҳитни қоплаган чанг-тўзон шу даражадаки, осмонўпар биноларни кўз илғаши қийин бўлиб қолди. АҚШнинг Хитойдаги элчихонасида ўрнатилган монитор ифлос ҳаво таркибида заҳарли майда заррачалар бўлиб, улар нафас йўли орқали одамлар ўпкасига киргач, ўлимга сабаб бўлиши мумкинлигини аниқлади. Бу заҳарли заррачаларнинг ўткирлиги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган меъёрдан 40 баравар юқоридир.

### ИНТЕРНЕТНИ ЁПИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

**АҚШ президентлигига республикачилар партиясидан номзод Дональт Трамп сайловчиларга фавқулодда кутилмаган, яъни "интернетни ёпиш" таклифи билан мурожаат қилди.**

NBC News телеканалининг хабар қилишича, Жанубий Каролина штати сайловчилари билан бўлган ушбу учрашувда: "Интернет сабабли биз кўп кишиларимизни йўқотаяпмиз", деди Трамп. Унинг фикрича, интернетни ёпиб қўйиш америкалик фуқароларни террорчилик ташкилотларига ёллаётган экстремистларга қарши курашда ёрдам беради.

Шу билан бирга Трамп эътироф этдики, унинг ушбу таклифини сўз эркинлиги ҳақидаги ҳуқуққа қарамақарши эканини таъкидловчилар топилади. "Мен уларни калтабин одамлар деган бўлур эдим", деди президентликка номзод.

Оқ уйнинг расмий вакили Жош Эрнест: "Трамп айтган бу гаплар уни президент бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилади", деди. Зеро, АҚШ президентлигига сайланган ҳар бир шахс мамлакат конституциясини ҳимоя қилиш ҳақида қасамёд қилади. Конституцияда эса виждон эркинлиги қонуний мустаҳкамлаб қўйилган.

### БИР МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИ... ЎЛИМ

**Япониядаги умумий овқатланиш тармоқларидан бирининг ходимаси ниҳоятда оғир меҳнат шарт-шароитларига бардош беролмай, ўз жонига қасд қилди.**

Мина Мори исмли бу қиз ресторанда 2008 йилдан буён кунига ўн соатлаб, шу билан бирга тунлари ҳам ишлаб келарди. Дам олиш кунларини эса ушбу компанияда очилган қўшимча ўқув машғулотларига сарфлашга мажбур эди. Бундай оғир меҳнат уни ҳам жисмонан, ҳам руҳан эзиб ташлаб, охир-оқибат ўз жонига қасд қилишга мажбур этди.

Суд марҳуманинг оиласига 1,1 миллион доллар товон тўлаш ҳақида ҳукм чиқарди. Бундан ташқари, ресторан маъмурияти зиммасига ўз ходимлари меҳнат шароитини яхшилаш чораларини кўриш ва ҳамма аъзоларга ўтган йилларда ортиқча қилган меҳнатлари ва ўқиш машғулотлари учун қўшимча ҳақ тўлаш вазифасини юклади.

### ҚОЧОҚ ТИМСОҲГА ЕМ БЎЛДИ

**Американинг Флорида штатилик Мэттью Риггинс полиция таъқибидан қочиб бораётиб, яшириниш учун кўл сувига тушганида, шу ердаги тимсоҳнинг ўлжасига айланди.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Риггинс ўша жойдаги уйлардан бирига кириб, ўғрилик қилмоқчи бўлган. Бироқ, бундан хабар топган полиция унинг изига тушгач, 22 ёшли йигит охир-оқибат узунлиги 3,5 метр бўлган тимсоҳнинг қурбонига айланган. Бу воқеага марҳумнинг оиласи полицияга мурожаат қилганидан сўнг ўн кун ўтиб, аниқлик киритилди. Полиция ходимлари йиртқич судралувчини ушлаб, ўлдиришга муваффақ бўлишди. Суд тиббий экспертизаси тимсоҳнинг қорнини ёриб кўриб, у Риггинсни ҳақиқатан ҳам ҳазм қилиб юборганини тасдиқлади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Кўргазма

# ЭКСПОНАТЛАРДА ЮРТИМИЗ ТАБИАТИ

**Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган "Ватанимиз ижодкорлари" номли кўргазма очилди.**



Абдуҳаким Каримов, Акмал Мирсоатов, Рустам Жамолов, Дилором Мамедова, Дилмурод Йўлдошев каби рассомларнинг экспозициядан ўрин олган тасвирий санъатнинг турли услубларида яратилган юздан ортиқ ижодий ишларида асосан, табиат манзаралари, йил фасллари, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, шаҳарларимизнинг тарихга айланиб бораётган кўринишлари, қадимий ёдгорликлар акс этган. Намойишга қўйилган "Чирчиқ дарёси", "Қиш яқинлашмоқда. Янгибозор", "Байтқўрғонда куз", "Паркент канали", "Чах-чам. Бўстонлиқ", "Биринчи қор. Ғазалкент", "Оқсоқ ота", "Ғазалкентда кечки маҳал", "Гидроузел. Жумабозор", "Қора тоғ олдида. Сўқоқ йўли", "Буғдой даласи. Ҳасанбой қишлоғи", "Сўқоқ арчалари", "Сўқоқ. Тоғ манзараси", "Сўқоқ. Эрта тонг" каби бир-бирини тўлдирган асарлар ихлосмандларни бефарқ қолдирмайди.

Тақдим этилган тасвирий санъат асарларида биз тарихий ёдгорликларнинг қайта жонланаётганини, таниқли ижодкорлар анъаналарининг давомийлигини кўрамиз.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Кўзгудаги ўзимиз

# ЧОЛ ВА ... КЎЙЛАК

Қамбар ота саводхон қария. Узоқ йиллар катта-кичик идораларда масъул вазифаларда ишлаб, кўпнинг корига яраган, кексаларнинг обдон дуосини олган. Шу дуолар ижобат бўлибми, мана, саксондан ошиб, ҳамон тетик, шуури уйғоқ. Шундай дориламон кунларга шукрона айтишдан, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатишдан, дуо қилишдан чарчамайди.

Қария зиналарга оҳиста оёқ босиб, юқорига кўтариларкан, нечундир илгаригидек чарчоқни, лоҳасликни сезмади. Мана, саноқли зиналар қолди, юқорига чиқиб олса бас. Шу идорага яқинда шаҳардан бошлиқ бўлиб келган набираси тенги қизга омад тилаб, дуо қилади. Бу идорада бошқа юмуши йўқ.

Қамбар ота қабулхонага қадам қўйди. Бахтига раҳбар хонасининг эшиги ланг очиқ экан. Тўрдаги курсида ўттиз беш ёшлардаги аёл виқор билан ўтириб, кимгадир йўл-йўриқ кўрсатарди. Қарияга кўзи тушгач, саломни унутиб, бир муддат сўзидан тўхтади. Сўнг узрини айтди:

– Амаки, ташқарида тура туринг-а, ўзим сизни чақираман.

Қария йўлакка чиқиб, курсига омонатгина ўтирди. Шу пайт хонанинг эшиги шаҳд билан ёпилди, ичкаридаги товуш эшитилмай қолди.

Нуроний йўлакда узоқ ўтирди. "Раҳбарнинг қўли чиндан ҳам бўшамаётгандирда", деб ўзини юпатди. Аммо вақт ўтган сайин юпанч ўрнини ранж эгаллай бошлади.

Шу орада ичкаридан озғин гавдасига номутаносиб тор шим кийган қиз отилиб чиқиб, пастга равона бўлди.

"Энди йўқлаб қолар", деган тахминда ота ўриндиқдан қўзғалиб қўйди. Аммо ичкаридан садо бўлмади. Шу алпозда бояги қиз бошлиқ хонасига икки-уч бор шамолдай кириб чиқди. Отанинг назарида бу елвизакдек югураётган қиз карияларни кўравериб, дийдаси тош қотган, меҳр-оқибат, ёши улуғларга ҳурмат деган инсоний тушунчалардан мосуво ҳиссиз-жонсиз роботга ўхшаб туюлди. Шундай эсада, Қамбар ота бир гал хонага шитоб билан кираётган қизга қўлини кўтариб имо қилди:

– Тўхта, болам, сен ҳар қалай, шўтда ишлайсан шекилли. Қизи тушмагур мени чақирай, демайди. Мен шунчаки, бир табриклагани, дуо қилгани келгандим. Ўзи бу идорага тушиб қолган юмушим йўқ...

– Амаки, нима ишингиз бор, айтаверинг. Мен опанинг ёрдамчисиман. Уларга етказиб қўяман. Юқоридаги раҳбарларимиз билан телефон орқали зарур ишларни бажараяптилар. Так что, раҳбаримизнинг ҳозир сираям вақтлари йўқ.

– Мендек кексанинг нимаям иши бўларди, қизим. Шунчаки табриклай, деб...

Ёрдамчи қизнинг авзойи ўзгарди, қошлари чимирилди:

– Тавба-ей, бу кексаларнинг бошқа ишлари йўқми, а? Уйда тинч, оёқ узатиб ўтиришса бўлмайдими? Кечагинда жағига суяниб қолган иккита кампир ичкарига кириб олиб, тоза миямизни ачитиб, ишдан қолдирди. Бугун мана бу чол...

Қамбар ота энди оғиз жуфтлаётганида ёрдамчи қиз ўзини ичкарига олди. Қия очиқ қолган эшик ортидан ёрдамчининг овози баралла эшитилди:

– Қиёмат Оббосовна, қабулхонадаги чолга сизни юқоридагилар билан гаплашаяптилар, дедим.

– Эй, яшанг, боплабсиз. Ўзим "Отчопар"даги дугонамга кўйлакнинг ёқаси билан енги менга ёқадиган бўлишини уқтиролмай ҳалак бўлиб ётибман-у, кўнглимга қари-қартангларнинг ҳамду санолари сиғардими...

Қамбар ота дами чиққан коптокдек бўшашиб, зина томон бораркан, бошлиқ аёлнинг телефондаги суҳбати қулоғига чалинди:

– Ҳой Муяс, дугонажон, кўйлакнинг ёқаси мен айтгандек бўлсин-а. Зулпининг чарларига киймоқчиман. Яна ўтган галгидек қовун тушириб ўтирма-я...

Ота сўлғин бир кайфиятда зиналарга қадам қўяркан, назарида улар жуда узун, адоғи йўқдек туюлди...

**Собиржон ИНОМОВ.**

Бу – қизиқ

### Коала айиқларини қандай ҳимоя қилишади?



Австралияда коала айиқларини автомобиль ғилдираклари тагида қолиб, ҳалок бўлишдан сақлаш учун катта йўлнинг икки четидаги эвкалипт дарахтларини бирлаштириб, чирмовиқдан арқон тортиб чиқишади. Жониворлар "мамнуният" билан бу кўприклардан фойдаланишади.

### Мушуклар сабаб сайёрадан нечта турдаги жонзотлар йўқ бўлиб кетган?

АҚШдаги табиатни муҳофаза қилиш бўйича Смитсонов институтининг мутахассислари фикрича, мушуклар ёввойи табиат учун хавф туғдирувчилардан экан. АҚШнинг ўзида ҳар йили улар 4 миллиардга яқин қушлар ва 20 миллиардга яқин сут эмизувчиларни нобуд қилишар экан. Бу жонзотларнинг кўпи уйсиз ва ёввойи мушукларнинг қурбонига айланмоқда. Умумий қилиб айтганда, мушуклар ер юзидан 30 турдаги жонзотларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлган.

### Қайси мамлакат чиқиндини импорт қилади?

Швецияда 4 фоизгина чиқинди ерга кўмилади, қолган ҳаммаси қайта ишлашга жўнатилади. Чиқиндини ёқиш орқали энергия олиш бўйича давлат дастури ўз самарасини бермоқда. Сўнгги йилларда Швецияга бошқа мамлакатлардан йилига 80 минг тонна чиқинди импорт қилинмоқда. Шунинг кўпи Норвегиядан олинади. Сабаби норвегияликлар чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун ўзлари пул тўлашади. Шведлар электр энергиясини олишгач, катта миқдорда токсин ва оғир металлдан иборат кулни кўмиш учун Норвегияга қайтариб жўнатиб юборишади.

Жиноятга жазо муқаррар

# ҚУРИЛИШДАГИ НАЙРАНГБОЗЛАР

**Олмалиқ кон-металлургия комбинати раҳбарияти яхши ниятда 2013 йилда 300 бошга мўлжалланган чўчқачилик мажмуини қуришни бошлаганди. Тендерда "қўли баланд" келган "RAMEKS" МЧЖ билан қиймати 2 миллиард 782 миллион 930,7 минг сўмлик объектни қуриш юзасидан шартнома тузилган эди.**

"RAMEKS" директори Шавкат Усмонов 2014 йил апрелда комбинат билан қўшимча келишувга, яъни объект қурилиши қийматини 3 миллиард 174 миллион 155 минг сўмга оширишга эришди. Аммо, қурилиш ишлари белгиланган вақтда бажарилмади!..

Комбинат мутахассислари "RAMEKS" корхонаси бажарган қурилиш-монтаж ишларини ўрганиб, назорат-ўлчовни амалга оширишди. Натижада, бажарилган ишлар ҳақидаги маълумотнома ҳисоб-фактураларга 459 миллион 551 минг 402 сўмлик амалда бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қўшиб ёзилгани аниқланди. Хусусан, электр ускуналари ўрнатилмаган, бир қатор қурилиш ишлари бажарилмаган. 32 квадрат метр эшиклар ва 42 квадрат метр деразалар сифатсиз ўрнатилган, дераза ромлари қийшайган, эшиклар эса, умуман ёпилмайди.

Бундай масъулиятсизлик ва совуққонликка йўл қўйган, давлат ва халқ мулкини талон-торож қилишдан қўрқмаган "RAMEKS" МЧЖ директори Шавкат Усмонов устаси фаранглардан экан. У комбинат буюртмасига асосан қурилиш ишларини бажариш жараёнида Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган "Yorug' Yulduz Germes" МЧЖ билан 112 миллион 500 минг, "Gamma Garant Service" МЧЖ билан 212 миллион, "Atlant Sustems" МЧЖ билан 21 миллион, "Global Grant Invest" МЧЖ билан 36 миллион, жами 381 миллион 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан пудрат шартномаларини расмийлаштирган. Аммо таажжубки, юқоридаги ташкилотлар ўрнига "Олмалиқ авто ишонч", "Golden AG", "Беҳруз стар бизнес", "Новатор" қурилиш ва дизайн корхоналари ёлланма пудратчи сифатида қурилиш-монтаж ишларини бажаришган. Лекин қурилишда мутлақ иштирок этмасада, юқоридаги ёлланма пудратчи ташкилот ҳисоб рақамларига нима учун, қандай мақсадда мўмай пул ўтказиб берилди?

Бу ҳақли саволга ҳуқуқ-тартибот идоралари олиб борган тергов ҳаракатлари натижасида аниқлик киритилди. Ўтказилган пулларни жамият директори нақдлаштириб олган-у, корхона ҳисоб рақамига қайта кирим қилмай, ўз мақсади йўлида совуриб юборган. Алдов ва талон-торож бор жойда барака ҳам бўлмайди. Буни қарангки, 2015 йилнинг февраль ойи ҳолатига "RAMEKS" МЧЖнинг 378 миллион 634,8 минг сўмлик дебиторлик қарзи бор экан...

Халқимизда "Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл", деган нақл бор. Инсофни унутган "RAMEKS" МЧЖ раҳбари ҳатто солиқларни яшириб, мажбурий тўловларни тўламай келган. Яширилган солиқ ва тўланмаган мажбурий тўловлар базаси 945 миллион 870,7 минг сўмга етиб, натижада бюджетга ҳисобланмаган ҳамда тўланмаган солиқ ва мажбурий тўловлар 154 миллион 414 минг сўмдан ошган. Халқ ризқини ҳеч кимга билдирмай, ҳазм қилиб юбораман, деб ўйлаган Шавкат Усмонов қаттиқ адашди. "Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади" деганларидек, "RAMEKS" МЧЖ раҳбари Ш. Усмоновга энди бирорта корхона қурилиш ишларини ишониб топширмайди. У ишончни йўқотди! Судланган тамғасини олиб, ўзи ва корхонаси келажагига болта урди.

Жамиятимизда қонун барчага баробар. Ш. Усмонов қонунда белгиланган тартибда тегишли жазосини олди. Унга узил-кесил ўташлик учун икки йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ундириш шарти билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ва энг кам ойлик иш ҳақининг 310 баравари, яъни 33 миллион 366 минг 850 сўм миқдорида жарима жазолари тайинланди.



Тергов жараёнида Ш. Усмонов содир этган жиноий ҳаракатлари натижасида, комбинатга етказилган 459,5 миллион сўм зарар тўлиқ ундирилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугун бутун Ўзбекистон улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ҳам минг йилликларга татигулик улкан иншоотлар қад ростлаб, янги конлар очилиб, заводлар ишга туширилаяпти. Мана шу ишларни қўли гул, лафзи ҳалол, Ватан истиқболи йўлида камарбаста бўлаётган ўзимизнинг қурувчилар бажаришаяпти. "RAMEKS" МЧЖ ва унинг раҳбарига ўхшаш гуруч ичидаги курмаклар эса бундай улуғ ишларга соя солишаётир.

**Хуршид БОБОЕВ,**
**вилоят прокурори катта ёрдамчиси.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4625. Адади 7502. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.